

74.9
К 17

Нашрга тайёрловчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби С. ДОЛИМОВ ва филология фанлари номзоди,
доцент У. ДОЛИМОВ

Нашр учун масъул: Х. НАЗИРОВ

Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келганлар. Шарқда «Калила ва Димна» номи ила машҳур бўлган ҳиндларнинг «Панчатантра» («Беш ҳикмат»), «Тўтинома» номи ила шуҳрат қозонган «Шукасаптата» («Тўтининг етмиш беш ҳикояси»), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадгу билиг» («Бахт-саодатга йўлловчи билим»), Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») ва ўнлаб дурдона асарлар асрлар мобайнида фарзандлар тарбиясида дастур вазифасини ўтаб келмоқда. Бу ганжина китоблар неча-неча авлодга поклик, ростгўйлик, жувонмардлик фазилатларини сингдириб боргани сир эмас. Кайковус қаламига мансуб «Қобуснома» асари Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур. Мўъжаз ривоятлар, ихчам латифалар, кичик-кичик ҳикоятлар китобнинг янада жозибали, ўқишли бўлишини таъминлаган.

Шарқ алломалари ахлоқий-тарбиявий асарларининг асосини Қуръони шариф суралари, Муҳаммад пайғамбар фаолияти ва кўрсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоялар ташкил қилади. «Қобуснома» ҳам бундан мустасно эмас: китоб «Парвардигори оламни танимоқ зикрида», «Пайғамбарларнинг хилқати зикрида» боблари билан бошланади.

XI асрнинг 82—83-йилларида Ғарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар ўз ўгли Гилоншоҳга бағишлаб «Насиҳатнома»сини яратади ва ўша давр анъанасига кўра уни бобоси подшоҳ Шамсулмаолий Қобус шарафига «Қобуснома» деб атаydi.

«Қобуснома» асрлар мобайнида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эътиборларини ўзига жалб этиб келган: 1702—1705 йилларда турк тилига, 1786—1787 йилларда Муҳаммад Сиддиқ Рашидий томонидан уйғур тилига, 1881 йилда Қаюм Носирий томонидан

татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, фаранг, олмон, рус тилларига таржима қилинди. 1935 йилда Техрон дорилфунунининг профессори, атоқли адиб Саид Нафисий «Қобуснома»ни Техронда босмадан чиқарди.

1860 йилда «Қобуснома» ўзбек тилига биринчи марта буюк шоир ва мутафаккир Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинди. Огаҳий таржимасининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ва Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада сақланмоқда.

«Қобуснома»нинг ўзбек тилига таржима қилинишида ўша даврда ҳали 16 ёшли шахзода бўлган Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844—1910)нинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Огаҳийнинг ўзи ёш йигитча Муҳаммад Раҳим ҳақида гапириб, ҳар қандай ўйин-кулгини йиғиштириб қўйиб, «китобхонлиққа, маънидонлиққа» машғул бўлганини, ушбу «Насихатнома»ни шахзоданинг топшириғи билан таржима қилганини мамнуният билан изҳор қилади: «... ул шахзодаи озоданинг назари анвори мутолаасиға етишди ва мусаффо хотириға уни туркнй тил била таржима қилдирмоқ таманноси тушди. Бу бандаи фақир Муҳаммад Ризо Огаҳий бир куни ул жаноб мажлисиға бориб, дуо шароитин тақдимиға еткурдим ва ул жанобнинг лозимул башорати била ҳам ул мажлисининг бир гўшасида ўтирдим. Дарҳол менга неча турлик меҳрибонликлар кўргузиб, мазкур «Насихатнома»ни илкмига бериб дедики: «Бул нусхани туркий тили била таржима қил, токи турк тавойифининг авоми ҳам бу пандлардан баҳра олғай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзинг олам инқирозиғача замон авроқида боқий ва ёдгор қолғай».

Буюк мутафаккир Муслиҳиддин Саъдий, Носириддин Рабғузий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар жамият тараққиётида, мамлакат ободончилигию, халқ фаровонлигида айрим шахслар, айниқса, подшоҳлар фаолиятига катта баҳо берадилар. Жомий ўзининг «Баҳористон» асарида подшоҳ адолатини порлаб турган қуёшга ўхшатади:

Агар чиқса адолатнинг қуёши,
Таралғай ҳар томон нури зиёси.
Агар зулм этса золим, бу ситамдин
Жаҳон бўлғай қаро, йўқ интиҳоси.

Кайковус ҳам подшоҳ адолатини қуёшга тенглашти-
ради: қуёш ҳаммага, ҳамма ерга тенг, баробар нур
сочгани каби, подшоҳ ҳам ҳаммага баробар адолат
нурини сочмоғи лозим, дейди: «Эй фарзанд, раиятга
ҳам шундоғ меҳрибонлик кўргузгил, токи мамлакат
обод бўлғай, нединким, подшоҳ офтобдекдур, офтоб
бировга соя солиб, яна бировдин юз ўгурмас... Асло
зулмни кўнглингга келтурмағилки, одил подшоҳнинг
хонадони кўп йиллар боқий қолур ва золимнинг
хонумони тезда барбод ва нобуд бўлур, нединким, адл
ободонлик нишонасидур ва зулм вайроналик аломати-
дур. Ҳукамолар дебдурларки, одил подшоҳ олам
хуррамлигининг сарчашмасидур, золим подшоҳ жаҳон
харобалигининг тўфонидур».

Абдурахмон Жомийнинг ахлоқий қарашлари кўп
ўринларда «Қобуснома»даги пандларга ҳамоҳангдир.
Жомий ўз фарзанди Зиёвуддин Юсуфга насиҳат қилар
экан, отаси фақат машҳур киши бўлгани учун унинг
номи, обрўси билан мақтанмасликни, балки унинг
номига муносиб фарзанд бўлиб етишишни талаб
қилади. Шунинг учун ҳам Жомий ўз ўғлига шундай
ибратомуз шеър билан мурожаат қилади:

Нодонлардек отангинг кимлигини пеш қилма,
Ўзингга сен ҳунардан ўзгани ота билма.
Тутун гарчи оташнинг фарзанди бўлса ҳам, бас
Не фойдаки тутунга, оташ зиёси юкмас!?

Жомийнинг бу мисраси «Қобуснома»нинг ушбу
сўзларини эслатади: «Агар киши ҳар қанча олий насаб
ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг
иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва
билим биладур; насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва
онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... Бу от
фақат бир нишонадин бошқа нарса эмасдур. Аммо сен
ҳунар била бир номга эга бўлгил».

Булардан ташқари, Огаҳий форс тилидан ўндан
ортиқ илмий-тарихий, маърифий ҳамда бадий асар-
ларни ўзбекчалаштирган.

Огаҳий таржималари ичида «Қобуснома» алоҳида
ўринлардан бирини эгаллайди. Бу нодир асар 1965,
1973 ва 1986 йилларда адабиётшунос олим Субутой
Долимовнинг катта саъй-ҳаракатлари билан уч марта
нашрдан чиқарилган эди. «Қобуснома» Муҳаммад Ризо
Огаҳий таржимаси асосида ҳозирги замон ўзбек адабий

тилига табдил қилиниб, катта сўз боши, тарихий ва филологик шарҳ ҳамда изоҳли луғат билан ўқувчиларга тақдим қилинган эди.

Шу ўринда ўзбек китобхонларини «Қобуснома» билан таништирган марҳум олим Субутой Долимов ҳақида маълумот беришни лозим топдик.

Субутой Долимов (Усмонбек Долимов) ўзбек адабиётшунослиги ва педагогикаси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган заҳматкаш олимдир. У 1907 милодий йилининг савр ойида Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди: унинг тоғалари Мирмулла, Мирмуҳсин, Мирмуслим Шермуҳамедовлар аср бошларида маърифатимиз даргалари сифатида ўлка сиёсий-маданий ва адабий ҳаётида муҳим роль ўйнадилар. Усмонбек илк маълумотни Сағбон маҳалласидаги Кабир домланинг мактабида олди. 20-йилларнинг бошида Хадрадаги «Намуна» мактабида ўқишни давом эттирди. Бу мактабда унинг дастлабки шеърлари, ҳикоялари мактаб деворий газетаси «Тонг юлдузи»да чиқиб турди. Деворий газетанинг муҳаррири буюк ёзувчи Ойбек эди. Мазкур «Намуна» мактаби Ойбек, Искандар Икромов, Миркарим Осим, Ҳомил Ёқубов, Аъзам Аюб, Мурод Шамс, Имомхон Ҳусанхўжаев каби ўнлаб илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият арбобларини тарбиялаб етиштирди.

Субутой Долимов мустақил иш фаолиятини 1926 йилда «Шамсул-ирфон» мактабида она тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида бошлади. Адабиётга бўлган муҳаббат 1934 йилда С. Долимовни Низомий номидаги педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига етаклади, 1939 йилда у институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.

Олим 1943—1957 йилларда Ўзбекистон республикаси Педагогика фанлари илмий-текшириш институтида ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси сектори мудир лавозимида ишлади, айни пайтда, Низомий номидаги педагогика институтида адабиёт ўқитиш методикаси фанидан талабаларга дарс берди. Олим 1957 йилдан то умрининг охиригача Тошкент давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетинида ўзбек адабиёти тарихи ва адабиёт ўқитиш методикаси фанларидан талабаларга сабоқ берди.

Биз Субутой Долимов ижодий фаолиятига разм солар эканмиз, унинг икки соҳада: адабиёт ўқитиш

методикаси ҳамда ўзбек адабиёти тарихи соҳасида мукаммал, бетакрор асарлар яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Олим бу икки соҳанинг бирини иккинчисидан кам ёки ортиқ кўрмади. Методист олим сифатида ўзбек адабиёти бўйича мактаблар, педагогика билим юртлари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун қатор дастурлар тузди, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратди.

Субутой Долимов Ўрта Осиёда маориф тараққиёти тарихи, мадрасаларнинг ташкил топиши ва уларда ўқитиш усулларини алоҳида ўрганди. У Абдулла Авлоний, Саидрасул Саидазизов, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний каби маърифатпарвар ижодкорлар фаолияти, ўқитиш усуллари ҳақидаги қарашларни тадқиқ қилувчи кўплаб илмий асарлар яратди.

Ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш методикасига доир дастлабки илмий-методик асарлар ҳам Субутой Долимов қаламига мансубдир. Олим 1952 йилда «Адабиёт ўқитиш методикаси», 1955 йилда «5-синф «Ватан адабиёти» учун методик қўлланма», 1960 йилда «Таълимий баён ва иншо», 1967 йилда институт ва университетлар филология факультетлари талабалари учун «Адабиёт ўқитиш методикаси» дарслиги», 1968 йилда «8-синф «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги учун методик қўлланма» асарларини яратди.

Субутой Долимовнинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш ва тадқиқ қилиш соҳасидаги фаолияти ҳам анча мароқли. Олим Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонини, Огаҳийнинг «Танланган асарлар»ини, Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарини, Мулла Фазлуллоҳ Алмайининг «Танланган асарлар»ини, «Калила ва Димна» асарларини нашрга тайёрлади. Халқ озгаки ижодининг катта билимдони ва тарғиботчиси сифатида Шотурсун Шомақсудов билан ҳамкорликда халқ ибораларини тўплади, уларнинг этимологиясини шарҳлади ва «Кенг уйнинг келинчаги» номи остида икки марта босмадан чиқарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Субутой Долимов Хоразм шоирлари Мунис Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз), Муҳаммад Юсуф Рожий, Комил Хоразмий, хусусан, Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини нашр қилиш ишига 40 йиллик ҳаётини бағишлади. 1962 йил-

да «Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ижодининг маҳсулдорлиги ҳамда асарларининг бадиий гўзаллиги нуқтаи назаридан Огаҳий ўзбек адабиётининг буюк Алишер Навоийдан кейинги энг забардаст вакили, деган илмий хулосага келди.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш ва нашрга тайёрлашда энг масъулиятли иш асар матни устида ишлашдир. Бу иш тадқиқотчидан кенг кўламдаги билимни, эски ўзбек тилини чуқур билишни, араб, форс тилларидан катта билимга эга бўлишликни талаб қилади. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирда ҳам ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчилари орасида матншунослар йўқ даражада. 1970 йилда С. Долимов филология фанлари доктори, профессор Ғулом Каримов билан ҳамкорликда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 6 жилдлик асарлар мажмуасини нашрга тайёрлашга киришди. Мажмуанинг 1—2-жилдлари Огаҳийнинг лирик девони «Таъвизул-ошиқин»ни, 3—4-жилдлари шоирнинг таржима асарларини, 5—6-жилдлари Огаҳийнинг муаррих-олим сифатида яратган илмий-тарихий асарларини ўз ичига олади. Бу машаққатли ва масъулиятли ишни Субутой Долимов ҳамда Ғулом Каримовлар ўн йил (1970—1980) ичида муваффақиятли ҳал этдилар.

Субутой Долимов бутун умрини ўзбек адабиётшунослиги ва педагогикаси фанини ривожлантиришга, малакали филологлар тарбиялаш ишига бағишлади. Ўзбекистон жумҳуриятида хизмат кўрсатган фан арбоби, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи Субутой Долимов 1991 йил 24 майда вафот этди.

Азиз китобхон! Сиз адабиётшунос олим Субутой Долимов томонидан нашрга тайёрланган Қайковуснинг «Қобуснома» асари таржимаси содда табдили билан танишасиз. Шунинг афсус билан таъкидлаш керакки, давр тақозоси туфайли олдинги нашрларда айрим боблар каттагина қисқартиришга учраган, айрим боблар умуман киритилмаган эди. Бу, албатта, китобнинг қимматини анча тушириб юборган.

Сўнгги йилларда «Қобуснома»га бўлган эҳтиёж сезиларли кучайди. Газета ва журналлар саҳифаларида «Қобуснома»нинг тўлдирилган нашрини тайёрлашга даъват этувчи кўплаб мақолалар эълон қилинди.

Асарнинг ушбу нашри «Қобуснома»нинг муқадди-
ма ва ҳамма қирқ тўрт бобини ўз ичига олган. Нашрга
Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик инсти-
тутининг қўлёзмалар фондида сақланувчи (инв.
№ 1274/11) Огаҳий таржимаси қўлёзмаси асос қилиб
олинди, шу билан бирга, профессор Е. Э. Бертельснинг
русча таржимаси ва Эрон профессори Саид Нафисий
томонидан тайёрланган Техрон нашридан фойдала-
нилди.

«Қобуснома» нинг ушбу нашри Сизнинг сеvimли
китобингизга айланишини чин кўнгилдан тилаб қола-
миз.

*Улуғбек ДОЛИМОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни муаллими,
филология фанлари номзоди.*

МАВЪИЗАТНОМАИ КАЙКОВУС

(Кайковуснинг насиҳатномаси)

Ҳамду беҳад жавоҳирининг тухфалари ул ҳакими ала ал-итлоқнинг¹ даргоқи олийсига лойиқдурким, инсон вужудининг таркибин ақлу дониш зевари² била тузди ва дуруд³ беадад завоҳирининг⁴ ҳадиялари ул расули аҳли офоқининг⁵ равзаси мутаолийсига мувофиқдурким, куфру исён бадияси ваҳшийларин муъжизнишон пандлар била ром қилиб, дини ислом тариқига киргузди.

Аммо баъд бу мажмуаи мавъизангиз⁶ ва бу марқумаи⁷ насиҳатомузни мутолаа қилгувчи дониш ва аҳли тамизни замири байзойи⁸ назийрларига маълум ва жойкир бўлсин. У салтанат буржининг муаллаҳ ахтари⁹ ул хилофат¹⁰ буржининг мусаффо гавқари ва ул жоҳи жалол¹¹ осмонининг хуршид дурухшандаси¹² ва ул фазлу камол шабстонининг ферузандаси ва ул ақлу беш

¹ Ҳакими ала ал-итлоқ — мутлақ ҳаким.

² Зевар — безак, зийнат.

³ Дуруд — дуо, олқиш, таҳсин.

⁴ Завоҳир — гуллар, чечаклар.

⁵ Офоқ — олам, уфқлар.

⁶ Мавъизангиз — насиҳатомиз.

⁷ Марқум — ёзилган.

⁸ Замири байзо — оқ кўнгил.

⁹ Ахтар — юлдуз, юз, байроқ.

¹⁰ Хилофат — халифлик, ўринбосарлик.

¹¹ Жоҳи жалол — улуг обрў.

¹² Дурухшанда — порлоқ, нурли, равшан.

асхобининг¹ меҳрибони, зиллу субҳон² халифат ал-рахмон боъисал-амн вал-амон³ хазрат Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ибн хоқони кишваристони Саййид Муҳаммад Баҳодирхон фирдавмакон⁴ зийда умруҳу ва иқболуҳу ва давлатуҳу⁵ ким бовужуд йигитлик айёми ва айшу тараб ҳангомида ҳеч бир лавҳу лувба⁶ мойил бўлмай, аксар авқот беш вақт намоз лавозимининг адоси фаройизу сунан⁷ шуғулининг интиҳосидин сўнг китобхонлиққа, маънидонлик ишига машғул бўлиб, ҳар турлук китобни мутолаа қилур эрди ва ўзга машғулотдин ани аъло ва афзал билур эрди. Байт:

Шабоб айёмида бу улуг одат,
Валилик рутбасиндур⁸ аломат.

Хусусан, ҳар китоб мазмуниким, мавоиза⁹ насойихга¹⁰ муштамил¹¹ бўлса, они бағоят севар эрди ва они ўзга китоблардин илгари тутар эрди. Андоқким, бу муборак овонда¹² амир Унсурулмаолий Қайковус бинни Искандар бинни Вушмагирнинг ўз ўғли Гилоншоҳ учун жам қилгон насихатномаси ул шаҳзодаи озоданинг назари анвари мутолаасиға етишди ва мусаффо хотириға уни («Қобуснома»ни) туркий тил била таржима қилдирмоқ таманноси¹³ тушди. Бу бандаи фақир Муҳаммад Ризо мироб Огаҳий, бир куни ул жаноб(нинг) (Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон) мажлисиға бориб, дуо шароитин тақдимига еткурдим ва ул жанобнинг лозимул башорати била ҳам ул мажлисининг бир гўшасида ўтирдим. Дарҳол менга неча турлик меҳрибонликлар кўргузиб, мазкур «Насихатномаи»ни илкимға бериб дедики: «Бу нусхани туркий тили била таржима қил, токи турк тавойифи (гуруҳлари)нинг

¹ Асҳоб — дўст, суҳбатдош, улфат.

² Зиллу субҳон — субҳоннинг сояси.

³ Халифат ал-рахмон боъис ал-амн вал-амон — тинчлик ва хотиржамлик таратувчи.

⁴ Фирдавмакон — жаннатмакон.

⁵ Зийда умруҳу ва иқболуҳу ва давлатуҳу — умри, иқболи ва давлати узун бўлсин.

⁶ Лавҳу лувб — ўйин-кулги, тарала бедодлик.

⁷ Фаройизи сунан — Аллоҳ томонидан юборилган ибодатлар.

⁸ Рутба — мартаба, унво, даража.

⁹ Мавоиз — пандлар, насихатлар, ваъзлар.

¹⁰ Насойих — насихатлар, пандлар.

¹¹ Муштамил — қопловчи, ўз ичига олган.

¹² Овон — вақтлар.

¹³ Таманно — орзу.

авоми¹ ҳам бу пандлардин баҳра олгай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзинг олам инқирозигача замон авроқида² боқий ва ёдгор қолгай».

Фақирким, ул жанобдин бундоғ марҳаматларни кўрдим. Қуллуқ қилиб, таъзим русумин бажо келтурдим. Хушҳоллик била ул беҳиштнишон мажлисдан чиқиб, ўзимнинг вайрона кулбамга келиб, бир гўшада ўлтурдим ва ихлос қаламин эътиқод авроқиға сурдим ва қудратим борича саъю кўшиш³ умури⁴ зуҳурға⁵ еткурдим. Энди ҳазрат каримға умидим шулки, бу хизмат ибтидоси⁶ ихтитом⁷ сарҳадига⁸ етушгай ва шаҳзодаи озоданинг ҳумоюн⁹ хотириға мақбул ва марғуб¹⁰ тушгай, токим фақир ул жанобнинг лутф ва марҳамати бодасидан¹¹ сархуш ва сероб бўлгаймен ва ул сархушлик воситаси била бу ранжи ғамнинг оғир юкидинким неча йилдин бери бўйну¹²мга тушубдур, тезроқ қутулгаймен. Ёрдам ҳам ундандур ва суяниш ҳам унгадур.

Энди бу «Насихатнома» жомеининг сўзи булдурким, туркий иборати била мастур¹² бўлур.

Бу пандни жам этгувчи амир Унсурулмаолий Кайковус бинни Искандар бинни Қобус бинни Вушмагир ўзини(нг) фарзанди Гилоншоҳга дедики: «Эй фарзанд, мен қарибман ва ожизлик менга голиб бўлубдур, ўлим вақти яқин келибдур, азлий¹³ нинг ёрлиғи бир китобдурки, уни ҳеч чора кўрувчининг қўли ҳийлагарлик била йўқ қила олмагусидур.

Бас, эй фарзанд, мен ўзимни ўлумға бағоят ёвуқ топдим ва шундоқ маслаҳат кўрдимки, менга тиркликдан жудо бўлмоқлик ёрлиғи етушмасидин бурун ҳар мушкул ишнинг тузилиши ва яхши от қолдирмоқ кўшиши бобида бир неча сўз баён қилгайман, токи сен

¹ Авом — халойиқ.

² Авроқ — саҳифалар.

³ Кўшиш — ҳаракат.

⁴ Умур — ишлар, воқеалар.

⁵ Зуҳур — пайдо бўлмоқ.

⁶ Ибтидо — бошлаш.

⁷ Ихтитом — тамом бўлиш.

⁸ Сарҳад — чегара.

⁹ Ҳумоюн — муборак.

¹⁰ Марғуб — севимли

¹¹ Бода — май, шароб.

¹² Мастур — ёзилган, кўчирилган.

¹³ Азл — узоқлаштириш

ундан баҳра олғайсан ва мен оталик меҳри шартини бажо келтургайман.

Эй фарзанд, сенга замона ситамининг қўли етмасдан бурун ҳушинг қулоқи била менинг сўзимни эшитғил ва пандлар била икки жаҳонда ном чиқарғил. Менинг сўзимни эшитмоқдин ибо қилмағил. Агар менинг сўзимни қабул қилиб, ундан баҳра олсанг, ўзгалар доғим (янада) қабул қилурлар ва унга яраша иш шундоқдурки, ҳеч фарзанд отасининг пандин қабул этмағусидир, нединким йигитлар ғафлат юзидин ўз ботинида¹ ўзларини бирдан-бир дониш фаҳм қилурлар ва ўз донишларини қариларнинг донишидин афзал билурлар. Гарчи бу сўз менга маълумдур, лекин оталик меҳри мени хомуш бўлурга қўймади. Шул вожиб бир қанча пандларни ўзим яратдим ва уни қирқ тўрт бобга жам қилдим, ҳар бобида бир неча сўз зикр этдим.

Эй фарзанд, умид шулки, сен бу пандларни қабул қилгайсан ва мен оталик шартин бажо қилмиш бўлгаймен. Билгилки, жаҳон халқининг расми шулдурки, такупўй² ва жустужўй қилиб дунёда бирор нарса ҳосил этарлар ва уни ўзларининг яхши кўргон кишисига қўйиб кетарлар. Мен дунёда ушбу сўзларни ҳосил қилмишман ва менинг яхши кўргон кишим сендурсан. Менга риҳлат³ вақти ёвуқ⁴ етди, дунёдин ҳар нимаки ҳосил қилдим, сенинг олдинга қўйдим, токим худоком⁵ бўлмагайсан ва бироқлик⁶ йўлига қадам қўймагайсан.

Эй фарзанд, икки тарафдин ҳам сенинг аслинг ва насабинг покдур ва улуғдур. Бобонг Малик Шамсулмаолий Қобус бинни Вушмагир Аъшақ Фарҳодоннинг набирасидур, Аъшақ Фарҳодон Кайхусравнинг замонида Гилон мулкининг подшоҳи бўлгон ва Гилон мамлакати сенинг авлод-аждодинга ундин ёдгор бўлиб қолди. Менинг онамнинг момоси «Марзбоннома» отлик китобнинг мусаннифи маликзодаи Алмарзбон бинни Рустам бинни Шарвининг қизидур. Унинг ўн учинчи отаси Ануширавон Одилнинг биродари Қубоднинг ўгли

¹ Ботин — ички дунё, кўнғил.

² Такупўй — югуриш, елиш.

³ Риҳлат — жўнаш.

⁴ Ёвуқ — яқин.

⁵ Худоком — қайсар.

⁶ Бироқ — йўлсиз, адашган.

Кайковусдур. Сенинг онанг султон Маҳмуд Ғозий бинни Насриддин Сабуктагинни(нг) фарзанди ва менинг момом Дайлимийлар подшоҳи Ҳасан Ферузоннинг қизидур.

Бас, эй фарзанд, аслингнинг қадру қимматин бил ва асли кам одамлардин бўлмагил. Ҳар нечаким мен сенда яхшилик нишонасин фаҳм қилурман ва лекин сўз такрорин ўзимга вожиб билурман. Эй фарзанд, огоҳ бўлки, менинг охират сари кетмогим ёвуқдур, сен ҳам менинг изимдан тез етгунгдур. Нединким, бу дунё орият жойидур ва охират асли саройдур ва ул саройнинг йўли оз ва қийин. Бу жойда жамъ қилмоқ керакдур.

Бу жаҳон бир зироатгоҳдур, ҳар нима эксанг, шуни ўрасан ва ҳар на сўз десанг, шунинг жавобин эшитурсан. Дегилким, дунё жойи фоний ва охират саройи боқийдур. Бу жойда ифбатли, парҳезкорларнинг ҳиммати шерларнинг ҳимматидекдур, бадқирдорларнинг ҳиммати итларнинг ҳимматидекдур. Ит ҳар сайдниким олса, ўша жойда ер, шер сайдники олса, бошқа жойда ер. Бу орият саройи сенинг сайдгоҳингдур ва Тангри таолонинг ибодати сенинг сайдингдур. Агар дунё саройида тоат сайдини инкор қилсанг оқибатининг мужиби бўлур.

Эй фарзанд, худони танигил, ҳамиша они ибодатин пеша қилгил. Жалла жалалуҳу ва аммо навануҳу¹. Бобларнинг феҳристи будурким, марқум бўлур. Аввалғи боб — Худо таолони танимоқ зикридадур. Иккинчи боб — пайғамбарларнинг хилқати зикридадур. Учинчи боб — Ҳақ таолонинг шукргузарлиги зикрида. Тўртинчи боб — неъматлар сипасдорлиғи зикрида. Бешинчи боб — ота ва она ҳақини билмак зикрида. Олтинчи боб — ҳунар фузунлиқ била баланд қадр бўлмоқ зикрида. Еттинчи боб — сухандонлик билан баланд мартабали бўлмоқ зикрида. Саккизинчи боб — Ануширавоннинг пандин ёд олмоқ зикрида. Тўққизинчи боб — йигитлик ва қариллик сифати зикрида. Ўнинчи боб — тамкин ва таом тартиби зикрида. Ўн биринчи боб — шароб ичмак зикрида. Ўн иккинчи боб — меҳмон олмоқ ва меҳмон бўлмоқ зикрида. Ўн учинчи боб — нард ва шатранж ўйнамоқ зикрида. Ўн

¹ Жалла жалалуҳу ва аммо навануҳу — улуғлиги улуғ бўлди, эҳсони умум бўлди.

тўртинчи боб — ишқ варзиш қилмоқ зикрида. Ун бешинчи боб — нафъ олмоқ зикрида. Ун олтинчи боб — ҳаммомга бормоқ зикрида. Ун еттинчи боб — ухламоқ ва осуда бўлмоқ зикрида. Ун саккизинчи боб — сайд этмак зикрида. Ун тўққизинчи боб — гўй чавгон ўйнамоқ зикрида. Йигирманчи боб — уруш қилмоқ зикрида. Йигирма биринчи боб — мол жамъ этмоқ зикрида. Йигирма иккинчи боб — омонат сақламоқ зикрида. Йигирма учинчи боб — асир сотғун олмоқ зикрида. Йигирма тўртинчи боб — уй ва ер сотиб олмоқ зикрида. Йигирма бешинчи боб — чаҳорпой улог сотиб олмоқ зикрида. Йигирма олтинчи боб — хотун олмоқ зикрида. Йигирма еттинчи боб — фарзанд парвариш қилмоқ зикрида. Йигирма саккизинчи боб — дўст тутмоқ зикрида. Йигирма тўққизинчи боб — душмандан андиша қилмоқ зикрида. Ўттизинчи боб — афв ва уқубат этмак зикрида. Ўттиз биринчи боб — илм талаби ва қозигарлик зикрида. Ўттиз иккинчи боб — тижорат ва бозоргонлик расми зикрида. Ўттиз учинчи боб — тиб илми расми зикрида. Ўттиз тўртинчи боб — нужум ва ҳандаса илми зикрида. Ўттиз бешинчи боб — шоирлик расми зикрида. Ўттиз олтинчи боб — ханягарлик, яъни созандалик зикрида. Ўттиз еттинчи боб — подшоҳ хизматининг шарт ва қоидаси зикрида. Ўттиз саккизинчи боб — подшоҳ надимлигининг зикрида. Ўттиз тўққизинчи боб — дабирлик ва котиблик зикрида. Қирқинчи боб — вазирликнинг шарт ва расмлари зикрида. Қирқ биринчи боб — сипаҳсоларлик шартлари ва одатлари зикрида. Қирқ иккинчи боб — подшоҳлик шарти ва расми зикрида. Қирқ учинчи боб — деҳқончилик ва бозор пешалари баёни зикрида. Қирқ тўртинчи боб — саховат ва жувонмардлик зикрида.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМНИ ТАНИМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билгилким, жаҳонда одамнинг билмаган ва танимаган ҳеч нимарсаси йўқдур. Магар Худойи таолоким онинг тарафига танимоқ била асло йўл топмағусидур. Чунки ондин ўзга борча нимарсани танидинг, аммо ҳар вақтким ўзингни танисанг, они танурсан. Танимоқ нақшдекдур, танилган нимарса манқуш¹декдур ва таниғучи наққошдекдур. Манқуш нақшни қабул қилмаса, ҳеч наққош онга нақш қилмағусидир. Кўрмасмусанким, чун мум нақшни тошдин яхшироқ қабул қилур. Бу жиҳатдин мумдин муҳр тузатурлар ва тошдин тузатмаслар. Бас, барча танилган нимарсада танимоқ қабули бордур ва сен ўзингга боққил, яратувчига боқмағил ва созга қараб созандани танигил. Ҳақ таолонинг ҳамиша неъматларига андиша қилгил. Аммо унинг зотига андиша қилмағил. Чунки жаҳонда йўлдан адашадургон ул кишидурким, йўлсиз жойдин йўл талаб қилғай. Андоқким, пайғамбар алайҳиссалом дебдурлар, Аллоҳнинг нозу неъматлари ҳақида фикр қил, ўзи ҳақида фикр қилма.

Агар Худойи таоло шарият соҳибининг тили бирла бандаларга ўзин танимоқ густоҳлигига йўл бермаса эрди, ҳеч ким Худони танимоқда бир сўз айтурға ҳаргиз далирлик² қила олмас эрди. Чун ҳар тил, ҳар сифат билаким Худойи таолони айтурсан, ўзингни ажзу бечоралигингдан бил. Йўқ эрса, Худони(нг) зотига лойиқ ситойиш³ қилолмассан. Вақтиким, анинг зотин ситойиш қила олмасанг, они таний олмассан. Ва чун ҳар киши бизни ҳақиқат била билди, ширк⁴ чуркидин қутулди.

Бир ҳақиқатда Худодур. Андин ўзга ҳамма иккидур. Ҳар нарсаким, сифатда икки бўлса, то таркибда

¹ Манқуш — безалган, нақшланган.

² Далир — ботир, довьюрак.

³ Ситойиш — мақтов.

⁴ Ширк — кофирлик, кўп худолик.